

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

БЕКИШЕВ АЛЛАБЕРГЕН ЕРГАШЕВИЧ

**ИККИ ЎҚ БЎЙИЧА ҚЎЗГАТИЛАДИГАН СИНХРОН
ГЕНЕРАТОРНИНГ ЎЗ-ЎЗИДАН ЧАЙҚАЛИШ ЖАРАЁНИДА
ИШЛАШ ҚОБИЛИЯТИНИ ОШИРИШ**

05.05.01 – Энергетика тизимлари ва мажмуалари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Бекишев Аллаберген Ергашевич

Икки ўқ бўйича кўзгатиладиган синхрон генераторнинг ўз-ўзидан
чайқалиш жараёнида ишлаш қобилиятини ошириш..... 3

Бекишев Аллаберген Ергашевич

Повышение живучести синхронного генератора с двухосным
возбуждением при самораскачивании..... 23

Bekishev Allabergen Ergashevich

Increasing the survivability of a synchronous generator with biaxial excitation
during self-oscillation..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

БЕКИШЕВ АЛЛАБЕРГЕН ЕРГАШЕВИЧ

**ИККИ ЎҚ БЎЙИЧА ҚЎЗГАТИЛАДИГАН СИНХРОН
ГЕНЕРАТОРНИНГ ЎЗ-ЎЗИДАН ЧАЙҚАЛИШ ЖАРАЁНИДА
ИШЛАШ ҚОБИЛИЯТИНИ ОШИРИШ**

05.05.01 – Энергетика тизимлари ва мажмуалари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда электр энергетикаси соҳасини ривожлантиришнинг ҳозирги замон талаби истеъмолчиларни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш, энергетика тизимининг ишлаш қобилиятини ошириш мақсадида икки ўқ бўйича кўзғатиладиган синхрон генераторларнинг электромеханик ўткинчи иш режимларини ҳисоблаш услубиятини ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган давлатларда “...икки ўқ бўйича кўзғатиладиган синхрон генераторларнинг кўзғатиш тоқларини мустақил равишда ростлаш орқали ўткинчи жараёнларни бошқариш бўйича кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда”¹. Бу борада, жумладан икки ўқ бўйича кўзғатиладиган синхрон генераторларнинг статик ва динамик турғунлигини оширишга эътибор берилиб, қурилманинг ишончлилиги ва ишлаш қобилиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда электр энергетикаси тизимларида юз берадиган электромагнит ва электромеханик ўткинчи жараёнларни ўрганиш орқали, тизим барқарорлигини сақлаб қолишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, синхрон генераторлар тузилишини такомиллаштириш билан, яъни роторида иккита кўзғатиш чулғами бўлган синхрон генераторларнинг ўз-ўзидан чайқалиш жараёнларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар устивор ҳисобланмоқда. Шу билан бирга электр станцияларидаги генераторларнинг электромагнит ва электромеханик ўткинчи жараёнлари вақтида ишлаш қобилиятини ошириш, истеъмолчиларини узлуксиз сифатли электр энергия билан таъминлаш, айни вақтда долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамызда иқтисодиётнинг стратегик муҳим соҳаларидан бири бўлган энергетика соҳасидаги синхрон генераторларни ўткинчи электромеханик жараёнлар пайтида бошқариш муаммолари, бунда биринчи навбатда генераторларнинг шикастланишларсиз электр энергия ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича илмий изланишлар ва уларни амалиётга жорий этиш масалалари кўриб чиқилмоқда. 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан 24 мақсадда: “Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда Ўзбекистон энергетика тизимининг қўшни давлатлар энергетика тизимлари билан барқарор ишлашини таъминлаш”² вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, хусусан, Ўзбекистон электр энергетикаси тизимида ишлатилаётган синхрон генераторларнинг электромеханик ўткинчи иш режимларида ишлаш қобилиятини ошириш, икки ўқ бўйича кўзғатиладиган синхрон генераторларнинг статик ва динамик турғунлигини кўзғатиш чулғамларидаги тоқларни тўғри ростлаш орқали ошириш, электр энергетикаси тизимининг барқарор ишлашини таъминлаш

¹<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S235248472301243X?via%3Dihub>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январь, ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони

масалаларини ечишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 февралдаги ПҚ-4165-сонли “2019-2029 йилларда Ўзбекистон Республикада атом энергетикасини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорини ҳамда 2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш концепцияси ҳамда ушбу йўналишга тегишли барча меъёрий ҳужжатларда келтирилган мақсад ва вазифаларни бажаришда ҳамда юқоридаги муаммоларни ечишда, роторига бўйлама ва кўндаланг кўзғатиш чулғамлари жойлаштирилган, икки ўқ бўйича кўзғатиладиган синхрон генератор ва унинг кўзғатиш тоқларини, икки ўқ бўйича кўзғатиш тизими ёрдамида ростлаш орқали амалга ошириш имкониятини кўзда тутувчи ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши бўйича тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик” устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Электр энергиясини ишлаб чиқарувчи станциялардаги генераторларнинг ўз-ўзидан чайқалиш ўткинчи электромеханик жараёнларида юз берадиган авария ҳолатларини олдини олиш учун бажарилаётган илмий ишлардан бири, икки ўқ бўйича кўзғатиладиган синхрон генераторнинг ўз-ўзидан чайқалиш жараёнларини ўрганишга қаратилган илмий-тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказларида ва олий таълим муассасаларида, жумладан California Institute of Technology (АҚШ), Tokyo technology institute (Япония), University of Waterloo (Канада), Polytechnic University of Milan (Италия), School of Electrical and Electronic Engineering, North China Electric Power University (Пекин, Хитой), Harbin Electric Machinery Company Limited (Харбин, Хитой), Electrical Engineering Department, Visvesvaraya National Institute of Technology (Нагпур, Ҳиндистон), Electrical Engineering Department, UIET Babasaheb Bhimrao Ambedkar University (Лакноу, Ҳиндистон), Ягона энергетик тизими ИТМ (НТЦ, Россия), Бутун Россия электр энергетика илмий-тадқиқот институти (ВНИИЭ, Россия), Москва энергетика институти (МЭИ, Россия) ва Тошкент давлат техника университети (ТДТУ, Ўзбекистон) илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Роторида бир биридан ярим кутб бўлинмаси масофасида силжитилган иккита кўзғатиш чулғамли синхрон машина яратиш ва уларни бошқариш каби масалаларни ҳал қилишда бир қатор куйидаги таниқли хорижий олимлар катта ҳисса қўшганлар, жумладан А.А.Горев, Н.Н.Шедрин, М.М.Ботвинник, Ю.Г.Шакарян, Н.Н.Блоцкий, Д.А.Городский, Н.И.Соколов, Ю.Н.Гараев, Е.К.Лоханин, Е.Л.Россовский, И.А.Лабунец, П.В.Сокур, Н.Д.Пинчук, И.А.Кади - Оғлы, А.Г.Логинов, О.Ҳ.Zaipuna, О.Р.Malik, Mohamad Abd El-Raheim Badr, Trung-Kien Hoang, Guorui Xu, Zhenzhen Wang,

Bingchen Liu, Yang Zhan, Haisen Zhao, Ajaysekhar Agaralaa, Sunil S. Bhata, Ishan Srivastava va бошқалар.

Икки ўқ бўйича қўзғатиладиган синхрон машиналарнинг электромагнит ва электромеханик ўткинчи жараёнлари тадқиқоти каби илмий муаммоларни ҳал қилишга Ўзбекистоннинг таниқли олимларининг илмий ишлари бағишланган. Булардан: Х.Ф.Фазылов, Қ.Р.Аллаев, Т.У.Насыров, М.Г.Ахматов, О.Г.Одилов, Н.Б.Пирматов, Ж.С.Салимов, Л.В.Ковешникова, М.Қ.Бобожанов. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида икки ўқ бўйича қўзғатиладиган синхрон машиналарнинг статик ва динамик турғунлигини ошириш масалаларини ечишда салмоқли натижаларга эришилди.

Сезиларли муваффақиятларга қарамай, электр энергетика тизимининг электромеханик ўткинчи жараёни барқарорлигини белгиловчи ўз-ўзидан чайқалиш ҳодисалари икки ўқ бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторларда ўрганилмаган. Мазкур диссертация ишида икки ўқ бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторларнинг ўз-ўзидан чайқалишидаги электромеханик ўткинчи жараёнларини ўрганиш учун физик модел яратилган ва математик модел ишлаб чиқилган ҳамда ўз-ўзидан чайқалиш жараёнлари атрофлича ўрганилиб, тегишли ечимлар таклиф этилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида амалга оширилаётган ІЛ-442105947 ракамли “Шамол ва сув оқими параметрлари ўзгаришида локал энергетика тизимига ўзгармас частотали стабил ўзгармас электр қувватини узатувчи янги автоматик қурилма яратиш” (2022-2024 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади икки ўқ бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторнинг ўз-ўзидан чайқалишини сўндириш орқали ишлаш қобилиятини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

синхрон генераторларнинг ўз-ўзидан чайқалиш жараёнларини сўндириш орқали ишлаш қобилиятини оширишнинг мавжуд усулларини таҳлил қилиш; икки ўқ бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторнинг демпферлаш коэффициентини аниқлаш, электромеханик ўткинчи жараёнини ҳисоблаш усулини такомиллаштириш ва ўз-ўзидан чайқалишининг математик модели ва алгоритминини ишлаб чиқиш;

икки ўқ бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторнинг ўз-ўзидан чайқалишини сўндириш учун қўзғатиш чулғамларидаги токни бошқариш имконини берувчи электр схемани ишлаб чиқиш;

икки ўқ бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторларнинг ўз-ўзидан чайқалиш жараёнида ишлай олиш қобилиятини тажриба йўли билан текшириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида икки ўқ бўйича қўзғатиладиган синхрон генератор олинган.

Тадқиқотнинг предмети икки ўқ бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторларнинг ўз-ўзидан чайқалиш жараёни ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида икки ўқ бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторларнинг электромеханик ўткинчи жараёнлари назарияси, математик аппроксимация, 2-3 даражали дифференциал тенгламаларни ечишнинг Рунге-Кутта усули, ўз-ўзидан чайқалиш жараёнларини MatLab Simulink дастурида моделлаштириш, олинган натижаларни таққослаш ва қайта ишлашда математик статистика усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

икки ўқ бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторнинг алмаштириш схемаси асосида бўйлама ва кўндаланг ўқлари бўйича эквивалент қаршиликларини эътиборга олган ҳолда демпферлаш коэффициенти аниқланган;

икки ўқ бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторларнинг электромеханик ўткинчи жараёнларини ҳисоблаш усули генератор тенгламаларини тармоқ тенгламаларига мувофиқлигини таъминлаш асосида қўзғатиш даражасини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган;

икки ўқ бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторнинг ўз-ўзидан чайқалишининг математик модели ва ҳисоблаш алгоритми синхрон генератор ва тармоқ тенгламалари асосида магнит тўйинишни ҳамда тармоқ параметрларини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилган;

икки ўқ бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторнинг ротор сирпанишини эътиборга олган ҳолда, қўзғатиш тоқларини ростлаш асосида ротор чайқалишини сўндирувчи демпферлаш моментини бошқариш усули такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

тармоқ параметрлари ва магнит тўйинишни эътиборга олувчи, икки ўқ бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторларнинг ўз-ўзидан чайқалиш жараёнлари математик модели ва уни ҳисоблашнинг алгоритми ишлаб чиқилди;

икки ўқ бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторларнинг ўз-ўзидан чайқалиш жараёнларини тўлиқ компенсациялаш орқали ишлаш қобилияти оширилди;

икки ўқ бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторларнинг ўз-ўзидан чайқалиш жараёнларини тадқиқ қилиш учун физик ва Matlab Simulink моделлари яратилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги икки ўқ бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторларнинг ўз-ўзидан чайқалиш жараёнларининг физик, математик тенгламалар ва MatLab Simulink дастури моделлари орқали олинган маълумотлар ҳамда уларнинг ўзаро мутаносиблиги, ишлаб чиқаришда фойдаланишга қабул қилиниши орқали асосланганлиги, кўп сонли назарий маълумотларнинг тажриба йўли билан олинган маълумотларга мос келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот

натижаларининг илмий аҳамияти икки ўқ бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторлар учун демпферлаш коэффициентининг аниқланганлиги, электромеханик ўткинчи жараёнларини ҳисоблаш усулининг такомиллаштирилганлиги ҳамда ўз-ўзидан чайқалиш жараёни математик моделининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот натижалари иссиқлик электр станцияларида ишлатилаётган синхрон генераторнинг демпферлаш моментини қўзғатиш тоқларини бошқариш асосида ростлайдиган реверсив тиристор ўзгарткичли қўзғатиш тизими электр схемасининг жорий этилиши натижасида ўз-ўзидан чайқалиш жараёни вақти 40% га камайишига ва синхронизмга кириш қобилияти ошишининг эвазига икки ўқ бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторнинг электромагнит ва электромеханик ўткинчи жараёнларда барқарор ишлаш қобилиятининг ортишига эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Икки ўқ бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторларнинг ўз-ўзидан чайқалишини сўндириш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

икки ўқ бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторнинг электромеханик ўткинчи жараёнларини ҳисоблаш усули “Иссиқлик электр станциялари” АЖ тасарруфидаги “Тошкент ИЭС”да жорий қилинган (“Иссиқлик электр станциялари” АЖнинг 2023 йил 26-сентябрдаги 04-20/1180-сонли маълумотномаси). Натижада электромеханик ўткинчи жараёнларда синхрон генераторнинг авариявий ўчишининг бартараф этилиши уни тармоққа қайта улаш вақтида сарфланадиган 36000 м³ табиий газни иқтисод қилиш имконини берган;

икки ўқ бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторнинг ўз-ўзидан чайқалишининг математик модели ва алгоритми “Иссиқлик электр станциялари” АЖ тасарруфидаги “Тошкент ИЭС”да жорий этилган (“Иссиқлик электр станциялари” АЖнинг 2023 йил 26-сентябрдаги 04-20/1180-сон маълумотномаси). Натижада синхрон генераторнинг демпферлаш коэффициентини ошириш эвазига электромеханик ўткинчи жараённинг ўтиш вақтини 40% га камайтириш имконинияти яратилган;

қўзғатиш тоқларини ростлаш асосида, ротор чайқалишини сўндирувчи демпферлаш моментини бошқариш усули “Иссиқлик электр станциялари” АЖ тасарруфидаги “Тошкент ИЭС”нинг электр сеҳидаги қуввати 165 МВтли турбогенераторнинг электромеханик ўткинчи жараёнларда ишлаш қобилиятини ошириш масаласини ечишда жорий этилган (“Иссиқлик электр станциялари” АЖнинг 2023 йил 26-сентябрдаги 04-20/1180-сон маълумотномаси). Натижада синхрон генератор синхронизмга тезда киришиб, электромагнит ва электромеханик ўткинчи жараёнларда барқарор ишлаш қобилиятининг ошиши эвазига қутиладиган иқтисодий самарадорлик 157 590 000 (бир юз эллик етти миллион беш юз тўқсон минг) сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманлар ва семинарларда, шу жумладан, 8 та халқаро ва 2 та республика анжуманларида ҳамда семинарларида апробациядан ўтди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шу жумладан, хорижий журналларда 2 та мақола (Scopus маълумотлар базасига киритилган конференцияларда 4 та мақола), ОАК томонидан докторлик Диссертациялари (PhD)нинг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган республика ва хорижий журналларда 8 та мақола, 1 та ЭҲМ дастурлари учун гувоҳнома, илмий анжуманлар тўпламларида 10 та тезис мавжуд.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми жами 119 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ва ишончлилиги ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Синхрон машиналарнинг ўз-ўзидан чайқалиш жараёнларини сўндириш орқали ишлаш қобилиятини ошириш бўйича тадқиқот ишларининг ҳозирги ҳолати”** деб номланган биринчи бобида синхрон генераторларнинг ўз-ўзидан чайқалиш жараёнларини келтириб чиқарувчи омиллар таҳлили ҳамда ўз-ўзидан чайқалиш жараёнларини бартараф этишнинг мавжуд усуллари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Бундан ташқари икки ўқ бўйича кўзғатиладиган синхрон генераторнинг (ИЎБҚСГ) алмаштириш схемаси асосида демпферлаш коэффициенти аниқланган.

Синхрон генераторларнинг ўз-ўзидан чайқалиш жараёнларини ўрганиш доирасидаги адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ИЎБҚСГларнинг ўз-ўзидан чайқалиш жараёнлари ўрганилмаган. Маълумки, синхрон машиналарда $\gamma^2 \gg \alpha_c^2$ шарт асосан бажарилганлиги туфайли, синхрон генераторларнинг параметрлари бир режимдан, иккинчи режимга ўтишда тебраниш қонуни бўйича ўзгаради, яъни синхрон машиналар ҳар доим тебранишларга мойил бўлади. Таҳлилий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бўйлама демпфер чулғами параметрларини ўзгартириш ёки бўйлама кўзғатиш чулғамидаги токни ошириш генераторнинг ўз-ўзидан чайқалишини бартараф эта олмайди. Синхрон генератор ўз-ўзидан чайқалиш чегарасида ишлаш пайтида бўйлама ўқ бўйича жойлашган чулғамдан ўтаётган ток тескари демпферлаш моментини ҳосил қилса, унга перпендикуляр бўлган

ўқдаги кўндаланг чулғамдан ўтаётган ток мусбат демпферлаш моментини ҳосил қилади. Синхрон генераторнинг ўз-ўзидан чайқалишини бартараф этишда кўндаланг кўзғатиш чулғами ёки кўндаланг демпферлаш чулғамининг ахамияти катта ҳисобланади.

Ўз-ўзидан чайқалиш электромеханик ўткинчи жараён бўлиб, уни қуйидаги тенглама асосида таҳлил қилиш мумкин:

$$T_j \frac{d^2 \delta}{dt^2} + P_d \frac{d\delta}{dt} = P_T - P_{эм} \quad (1)$$


бу ерда $P_d = P_{Гd} + P_{Td}$ -синхрон генераторнинг демпфер занжирлари ва ташқи электр тармоғининг генератор ротори ҳаракатига таъсирини ҳисобга оладиган демпферлаш коэффициентидир. $P_{Гd}$ -генератор ва унинг кўзғатишни автоматик ростлаш (ҚАР) қурилмасини ҳисобга олувчи демпферлаш коэффициенти, $P_{Td} = \frac{dP_T}{d\omega}$ - турбинани ҳисобга олувчи демпферлаш коэффициентининг ташкил этувчиси ҳисобланади. ИЎБҚСГ нинг динамик эквивалент алмаштириш схемасидаги эквивалент актив ва реактив қаршиликларни эътиборга олган ҳолдаги $P_{Гd}$ демпферлаш коэффициенти ташкил этувчиси қуйидагича ифодаланади: $P_{Гd} = P_{Гd1} + P_{Гd2}$,

$$\text{бу ерда } P_{Гd1} = U^2 \left[\frac{r_{q\gamma}^2}{(x_{q\gamma}^2 \omega_\gamma^2 + r_{q\gamma}^2)^2} \cdot \cos^2 \delta_0 + \frac{r_{d\gamma}^2}{(x_{d\gamma}^2 \omega_\gamma^2 + r_{d\gamma}^2)^2} \sin^2 \delta_0 \right] \quad (2)$$

ИЎБҚСГ нинг $P_{Гd2}$ ташкил этувчиси эса алмаштириш схемасидаги бўйлама ва кўндаланг кўзғатиш чулғамининг кўзғатилиш даражасига ва статор чулғамининг актив қаршилигини эътиборга олган ҳолда қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$P_{Гd2} = P'_{Гd2} + P''_{Гd2} = - \left[\frac{(I_d - I_q)^2}{2} r_s + \left(\frac{E_d}{x_d} \right)^2 \left(1 - \frac{r_s^2}{x_d^2} \right) r_s - \left(\frac{E_q}{x_q} \right)^2 \left(1 + \frac{r_s^2}{x_q^2} \right) r_s \right] \quad (3)$$

Юқоридаги (2, 3) тенгламалар қуйидаги 1-расмда келтирилган ИЎБҚСГнинг эквивалент алмаштириш схемаси асосида тузилган.




1-расм. ИЎБҚСГнинг эквивалент алмаштириш схемаси

(2) тенгламага кўра, синхрон генераторлар кам юклама билан ишлаганда ёки юксиз ишлаш режимида, $\cos^2 \delta_0 \rightarrow 1$, $\sin^2 \delta_0 \rightarrow 0$ бўлади. Бу шуни англатадики, ушбу ҳолатда демпферлаш фақат кўндаланг контур томонидан амалга оширилади ва бўйлама контурнинг таъсири кам ёки умуман

бўлмайди. Бу эса кам юкламаларда кўндаланг кўзғатиш чулғамининг параметрлари демпферлаш коэффициентига таъсири юқори эканлигини англатади. (3) тенгламага кўра, статорнинг актив қаршилиги ва бўйлама d ўқи бўйича кўзғатиш даражасининг ошиши тескари демпферлаш коэффициентини ортишига сабаб бўлса, кўндаланг q ўқи бўйича кўзғатиш даражасининг ошиши тескари демпферлаш моментини камайишига сабаб бўлади. Демак ИЎБҚСГларда d ва q ўқлари бўйича кўзғатишни тўғри ростлаш орқали демпферлаш коэффициентини ошириш имконияти мавжуд.

(2) ва (3) тенгламалар ҳамда 1-расмдаги эквивалент алмаштириш схемаси асосида бўйлама ва кўндаланг ўқлари бўйича актив ва реактив эквивалент қаршиликларни эътиборга олган ҳолда, кўзғатиш чулғами тоқларини тўғри ростлаш орқали демпферлаш коэффициентини 7,8 карра ошириш имконияти яратилган (2-расм.).



2-расм. Кўзғатиш тоқлари ростланган ва ростланмаган ҳолдаги ИЎБҚСГнинг статор занжирдаги актив қаршилик эътиборга олмаган (а) ва олган (б) ҳолдаги демпферлаш коэффициентининг ўзгариши

Диссертациянинг “Синхрон машиналарнинг ўз-ўзидан чайқалиш жараёнларини моделлаштириш” деб номланган иккинчи бобида ИЎБҚСГнинг электромеханик ўткинчи жараёнларини ҳисоблаш усули генератор тенгламаларини тармоқ тенгламаларига мослаштириш асосида такомиллаштирилган, ИЎБҚСГнинг ўз-ўзидан чайқалишининг математик модели ва алгоритми синхрон генератор ва тармоқ тенгламалари асосида магнит тўйинишни ҳамда тармоқ параметрларини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилган, ИЎБҚСГнинг ўз-ўзидан чайқалиш жараёнларини акс эттирувчи Matlab Simulink иммитацион модели яратилган.

Диссертациянинг ушбу бобида ИЎБҚСГнинг дифференциал тенгламаларини ёзишда генератор тенгламалари тармоқнинг матрицали тенгламалари билан мос тутатиши кўзда тутилган. Бунинг учун синхрон генераторнинг дифференциал тенгламаларини ЭЮК кўринишига ўтказиш усули кўриб чиқилган. Бунда аввало учта контурни ҳисобга олиб, оқим илашимлиги ёзилади (q, d индексларсиз):

$$\psi = \frac{U_f \frac{x_a}{r_f} g' + i(x - x_3')}{1 + pT_0'} + \frac{U_f \frac{x_a}{r_f} g'' + i(x_3' - x_3'')}{1 + pT_0''} + \frac{U_f \frac{x_a}{r_f} g''' + i(x_3'' - x_3^{(z)})}{1 + pT_0'''} x^{(z)} \quad (4)$$

Синхрон генераторнинг кўзғатиш ЭЮКси:

$$E_e = U_f \frac{x_a}{r_f} \quad (5)$$

Ўткинчи ва ўта ўткинчи ЭЮКлар:

$$\left. \begin{aligned} E' &= \frac{E_e g' + i(x - x_3')}{1 + pT_0'} \\ E'' &= \frac{E_e g'' + i(x_3' - x_3'')}{1 + pT_0''} \\ E^{(z)} &= E''' = \psi - x^{(z)} \end{aligned} \right\} \quad (6)$$

ИЎБҚСГнинг тенгламаларини тармоқнинг матрицали тенгламаларига мослаштириш учун E_{Td} ва E_{Tq} ЭЮКлари қуйидагича киритилади:

$$\left. \begin{aligned} u_d &= E_{Tq} + x_d^{(z)} i_d \omega_s - r i_q \\ u_q &= E_{Td} + x_q^{(z)} i_q \omega_s - r i_d \end{aligned} \right\} \quad (7)$$

(6) тенгламадан ψ ни топиб, ИЎБҚСГнинг оператор кўринишидаги Парк-Горев тенгламаларига қўйиб, қуйидаги тенгламалар тизими ёзилади:

$$\left. \begin{aligned} u_d &= -p(E_d^{(z)} + x_q^{(z)} i_q) + \omega_s (1 - s)(E_q^{(z)} + x_d^{(z)} i_d) - r i_q \\ u_q &= p(E_q^{(z)} + x_d^{(z)} i_d) - \omega_s (1 - s)(E_d^{(z)} + x_q^{(z)} i_q) - r i_d \end{aligned} \right\} \quad (8)$$

Генератор тенгламалари тармоқнинг матрицали тенгламалари билан мос тутатиши учун ишлатиладиган E_{Td} ва E_{Tq} аълоқа ЭЮКлари қуйидагича топилади:

$$\left. \begin{aligned} E_{Tq} &= E_q^{(z)} \omega_s - s \omega_s (E_q^{(z)} + x_d^{(z)} i_d) - p(E_d^{(z)} + x_q^{(z)} i_q) \\ E_{Td} &= -E_d^{(z)} \omega_s + s \omega_s (E_d^{(z)} + x_q^{(z)} i_q) + p(E_q^{(z)} + x_d^{(z)} i_d) \end{aligned} \right\} \quad (9)$$

(5) ва (6) тенгламалар асосида магнит тўйинишни эътиборга олган ҳолда ИЎБҚСГнинг электромеханик ўткинчи жараёнларини тадқиқ қилиш мумкин бўлган қуйидаги математик тенгламалар тизими ёзилади:

$$\left. \begin{aligned} pE' K_T &= \frac{1}{T_0'} [E_e g' + i(x - x_3') - E'] \\ pE'' K_T &= \frac{1}{T_0''} [E_e g'' + i(x_3' - x_3'') - E''] \\ p(E^{(z)} - E' - E'') K_T &= \frac{1}{T_0'''} [E_e g''' + i(x_3'' - x^{(z)}) - (E^{(z)} - E' - E'')] \\ p\omega_p T_J &= \frac{P_{Тнью} \mu_T P_s}{1 + s} - \frac{E_q^{(z)} i_d + E_d^{(z)} i_q + (x_d^{(z)} - x_q^{(z)}) i_d i_q}{1 + s_u} \end{aligned} \right\} \quad (10)$$

бу ерда икки ўқ бўйича йўналган асосий оқимларни эътиборга олувчи,


$K_T(K_{Td}, K_{Tq})$ ночизик тўйиниш коэффициентларидир.

ИЎБҚСГ статор занжири тенгламаларини электр тармоғи тенгламаларига боғлаш учун $x_d^{(z)}$ ва $x_q^{(z)}$ индуктив қаршиликларни $z_{\mathcal{E}}^{(z)} = r_{\mathcal{E}}^{(z)} + jx_{\mathcal{E}}^{(z)}$ эквивалент комплекс шаклидаги қаршиликларга алмаштирилади. Натижада генератор статор занжирининг тармоқ занжири билан мослашган қуйидаги тенграмаси келиб чиқади:

$$u_q + ju_d = E_{Tq} + jE_{Td} - (r_{\mathcal{E}}^{(z)} + jx_{\mathcal{E}}^{(z)})(i_d + ji_q) \quad (11)$$

(11) тенгламага $E_{Tq} - u_q$ ва $E_{Td} - u_d$ қийматларини қўйиб, қуйидаги эквивалент комплекс қаршиликлар аниқланади:

$$\left. \begin{aligned} r_{\mathcal{E}}^{(z)} &= \frac{i_d i_q (x_d^{(z)} - x_q^{(z)})}{i_d^2 + i_q^2} \\ x_{\mathcal{E}}^{(z)} &= \frac{(x_d^{(z)} i_d^2 - x_q^{(z)} i_q^2)}{i_d^2 + i_q^2} \end{aligned} \right\} \quad (12)$$



3-расм. Тармоқ параметрларини ва магнит тўйинишни ҳисобга олган ҳолда ИЎБҚСГнинг ўз-ўзидан чайқалиш жараёнини ҳисоблаш алгоритми

Юқоридаги ўзгартиришлар шуни кўрсатадики, ИЎБҚСГнинг статор занжири тенгламаларини тармоқ занжири тенгламаларига мослашни аёлоқа ЭЮКси $E_T = E_{Tq} + jE_{Td}$ орқали амалга оширилади.

Синхрон генераторларнинг тенгламаларини ҳисоблагандан сўнг E_{Td} , E_{Tq} ЭЮКларини (q, jd) координата тизимидан, электр тармоғининг (i, j) координаталар тизимига қуйидагича ўтказилади:


$$E_T = E'_T + jE''_T = (E_{Tq} + jE_{Td})e^{j\delta} \quad (13)$$

Электр тармоғининг тенгламаларини ҳисоблашдан сўнг синхрон генераторнинг I'_T ва I''_T тоқларини электр тармоғининг (i, j) координаталар тизимидан синхрон генераторнинг (q, jd) координата тизимига қуйидагича қайта ўтказилади:

$$i_q + ji_d = -(I'_T + jI''_T)e^{-j\delta} \quad (14)$$


Юқоридаги 3-расмда келтирилган ИЎБҚСГнинг электромеханик ўткинчи жараёни бўлган ўз-ўзидан чайқалишини ҳисоблашнинг алгоритми (4÷14) тенгламалар асосида ишлаб чиқилган.

Юқоридаги (10) дифференциал тенгламалар тизими асосий икки қисмдан иборат бўлиб, у электр катталиклар қисми ва механик катталиклар қисмдан ташкил топган. (10) дифференциал тенгламалар тизимининг аввалги 3 та ташкил этувчиси электромагнит жараёнларни ифодаловчи дифференциал тенгламалардир ва тенгламалар тизимининг охириги 4 чи ташкил этувчиси синхрон генератор роторининг механик ҳаракат тенгламаси ҳисобланади. Шунинг учун ушбу диссертация ишида Matlab Simulink моделини яратиш учун иккита асосий қисм кўриб чиқилган. Бунинг учун электр ва механик қисмдан иборат Matlab Simulink нимтизимлари яратилди (4-расм.).




4-расм. ИЎБҚСГнинг электр ва механик қисмларидан иборат Matlab Simulink нимтизими

Синхрон генераторнинг электр қисми Matlab Simulink моделини яратишда тоқлар ва оқим илашимликларини ҳисобловчи нимтизимлар тузилди (5-расм.).



5-расм. ИЎБҚСГнинг электр қисми учун Matlab Simulink нимтизими


(9) дифференциал тенгламалар тизимининг охириги 4-ташқил этувчиси синхрон генератор роторининг механик ҳаракат тенгламаси бўлиб, унинг Matlab Simulink нимтизими яратилди (6-расм.).



6-расм. ИЎБҚСГ роторининг механик ҳаракат модели нимтизими


Юқоридаги нимтизимларни ўзаро бирлаштириб, ИЎБҚСГнинг Matlab Simulink имитацион модели яратилди (7-расм.).

Ушбу Matlab Simulink моделдан фойдаланиб унга ИЎБҚСГнинг параметрларини киритиб, ўз-ўзидан чайқалишнинг электромеханик ўткинчи жараёнини моделлаштириб тегишли натижалар олинди (8-расм.).



7-расм. Қуввати 2,2 кВт бўлган ИЎБҚСГнинг Matlab Simulink модели

8-расмдаги осциллограммаларга кўра, шуни хулоса қилиш мумкин, ИЎБҚСГнинг кўзғатиш тоқларини тўғри ростлаш асосида унинг демпферлаш моментини ошириб, ўткинчи жараёнлар вақтини 40% га камайтириш орқали генераторни тезда синхронизимга киритиш имконияти яратилган.




ИЎБҚСГнинг d-q ўқлари бўйича кўзғатиши ростланмаган ҳолда

ИЎБҚСГнинг d-q ўқлари бўйича кўзғатиши ростланган ҳолда

8-расм. Matlab Simulink модели ёрдамида олинган ИЎБҚСГ роторининг ўз-ўзидан чайқалишидаги статор кучланиши ва тоқи осциллограммалари

Синхрон генератор ўз-ўзидан чайқалиш пайтида роторининг айланиш тезлиги бир магнит майдон тезлигидан олдинга ўтиб, бир орқада қолиб $0,5 \div 2,5$ Гц тебраниш билан айланади. Бунда ротор тезлиги магнит майдони тезлигидан бир оз кўпайса, асинхрон генератор режимига, камайганда эса, асинхрон мотор режимига ўтади. Юқоридаги 9-расмда келтирилган схема ёрдамида кўзғатиш чулғамидаги токни тўғри ростлаш орқали ўз-ўзидан чайқалишни тезда сўндириш имконияти мавжуд. Бунда ИЎБҚСГнинг демпферлошчи моментини ошириш, ўз-ўзидан чайқалиш пайтида ротор тезлиги статор магнит майдони тезлигидан ошган ҳолда асинхрон генератор режимига бир вақтнинг ўзида d ўқидаги кўзғатиш чулғами токни камайтириш ва q ўқидаги кўзғатиш чулғами токни ошириш орқали аксинча эса, асинхрон мотор режимига d ўқидаги кўзғатиш чулғами токни ошириш ва q ўқидаги кўзғатиш чулғами токни камайтириш орқали амалга оширилади.


10-расмда ИЎБҚСГ кўзғатиш тизими электр схемасининг тескари боғланишга эга бўлган эквивалент узатиш схемаси асосида аниқланган $W_{\Sigma}(p)$ узатиш функциясининг Matlab дастурида ҳисобланган частотавий годографи келтирилган.



10-расм. $W_{\Sigma}(p)$ -узатиш функциясининг частотавий годографи

Диссертациянинг “Икки ўқ бўйича кўзғатиладиган синхрон генераторда ўтказилган тажрибалар” деб номланган тўртинчи бобида ИЎБҚСГнинг статор кичик юклардаги ўз-ўзидан чайқалиш жараёнларига ҳамда кўзғатишсиз асинхрон иш режимлари тажрибаларига бағишланган.

Қуйидаги 11-расмда ўз-ўзидан чайқалиб турган ИЎБҚСГнинг кўндаланг кўзғатиш чулғамидаги токни ошириш тажрибаси орқали ўз-ўзидан чайқалиш жараёнини самарали тўлиқ сўндириш ақс этирилган статор кучланиши ва токи осциллограммалари келтирилган.



11-расм. ИЎБҚСГнинг кичик юкларда ўз-ўзидан чайқалишини кўндаланг қўзғатиш чулғами токини ростлаш ёрдамида сўндириш

ИЎБҚСГларда кичик юкларда тадқиқот объекти ва матлаб иммитацион моделида олинган 11-расмдаги ва 8-расмдаги тадқиқот натижалари осциллограммаларини солиштириш қуйидаги натижаларни берган (1-жадвал).


1-жадвал

Кичик юкларда ўз-ўзидан чайқалишдаги қўзғатиш токи ростланмаган ва ростланган ҳолат учун статор тоқларини таққослаш

Тажриба тури	Статор чулғами фаза токи				Матлаб модели ва тадқиқот объектида олинган натижаларнинг фарқи
	Берилган		Тоқнинг амплитуда қиймати		
	А	н.б.	А	н.б.	
Тадқиқот объектида (қўзғатиш ростланмаган) статор тоқининг амплитуда қиймати	7,0	1,0	3,15	0,45	5,4 %
Matlab Simulink моделида (қўзғатиш ростланмаган) статор тоқининг амплитуда қиймати	7,0	1,0	3,33	0,47	
Тадқиқот объектида (қўзғатиш ростланган) статор тоқининг амплитуда қиймати	7,0	1,0	1,33	0,19	5 %
Matlab Simulink моделида (қўзғатиш ростланган) статор тоқининг амплитуда қиймати	7,0	1,0	1,4	0,2	

Юқорида 1-жадвалдаги таққослаш натижаларига кўра: ИЎБҚСГнинг қўзғатиши ростланмаган ҳамда ростланган ҳолда статор тоқининг амплитуда

қийматининг экспериментал ҳамда имитацион моделларида олинган қийматлари таққосланганда ўртача 5 % фарқланиб, имитацион моделнинг адекватлигини асослаш имконини берган.



12-расм. ИЎБҚСГнинг қўзғатишсиз асинхрон иш режимида ўтгандаги кучланиш ва ток осциллограммалари

12-расмдаги осциллограммаларга кўра, ИЎБҚСГнинг статор токи ва кучланиши, қўзғатишсиз асинхрон иш режимида тебранишлар кузатилмайди. Сабаби ушбу генераторнинг ротори магнит ва электр симметрик бўлганлигидан биркутблилик эффекти вужудга келмайди. Бунинг оқибатида ушбу генератор асинхрон иш режимида параметрлари тебранмасдан узоқ муддат ишлай олади. Бунда статор токининг ортиши, ушбу генератор тармоқдан реактив энергия олганлиги туфайли, статор токининг реактив ташкил этувчисининг ортиши билан изоҳланади.

ХУЛОСА

“Икки ўқ бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторнинг ўз-ўзидан чайқалиш жараёнида ишлаш қобилиятини ошириш” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Электр энергетикаси тизимида ишлаётган синхрон генераторларнинг электромеханик ўткинчи иш режимларида ишлай олиш қобилиятини ошириш масалалари тадқиқ этилган. Тадқиқот натижасида тармоқ билан параллел ишлаётган икки ўқ бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторнинг параметрлари ва тармоқ параметрларини ҳисобга олиш имкониятига эга бўлган усулни такомиллаштириш ҳамда электромеханик ўткинчи жараёнининг математик модели ва алгоритмининг яратиш зарурати асосланган.

2. Икки ўқ бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторнинг демпферлаш коэффициентини алмаштириш схемасидаги қўндаланг қўзғатиш чулғами

параметрларини эътиборга олган ҳолда аниқланган. Натижада икки ўқ бўйича кўзғатиладиган синхрон генераторнинг кўзғатишини тўғри ростлаш орқали демпферлаш коэффицентини 7,8 карра ошириш имконияти яратилган.

3. Икки ўқ бўйича кўзғатиладиган синхрон генераторнинг ўз-ўзидан чайқалиш жараёнларининг имитацион модели яратилган. Натижада кўзғатиш ростланмаган ҳамда ростланган ҳолда статор токининг амплитуда қийматининг экспериментал ҳамда имитацион моделда олинган қийматлари таққосланганда ўртача 5 % фарқланиб, имитацион моделнинг адекватлигини асослаш имконини берган.

4. Иссиқлик электр станциялари технологик жараёни хусусиятидан келиб чиқиб, синхрон генераторнинг электромеханик ўткинчи жараёнларини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган. Натижада ҳисоблаш усулининг “Иссиқлик электр станциялари” АЖ тасарруфидаги “Тошкент ИЭС” да жорий этилиши, синхрон генераторнинг ўз-ўзидан чайқалиш жараёнида авариявий узилишларининг бартараф этилиб генераторни қайта тармоққа улаш учун сарфланадиган 36000 м³ куб табиий газни иқтисод қилиш имконини берган.

5. Икки ўқ бўйича кўзғатиладиган синхрон генераторнинг демпферлаш моментини кўзғатиш тоқларини бошқариш асосида ростлайдиган реверсив тиристор ўзгарткичли кўзғатиш тизимининг электр схемаси ва уни бошқариш усули ишлаб чиқилган. Натижада ишлаб чиқилган электр схема ва уни бошқариш усули “Иссиқлик электр станциялари” АЖ тасарруфидаги “Тошкент ИЭС” да жорий этилиши синхрон генераторнинг демпферлаш коэффицентини ошириш эвазига электромеханик ўткинчи жараённинг ўтиш вақтини 40% га камайтириш имконинияти яратилган.

6. Тадқиқот натижалари “Тошкент ИЭС” да қабул қилинган бўлиб, илмий-тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши натижасида синхрон генератор синхронизмга тезда киришиб, электромагнит ва электромеханик ўткинчи жараёнларда барқарор ишлаш қобилиятининг ошиши эвазига кутилаётган иқтисодий самарадорлик 157 590 000 (бир юз эллик етти миллион беш юз тўқсон минг) сўмни ташкил этган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ДОКТОРА НАУК DSc.03/10.12.2019. Т.03.03 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ИМЕНИ ИСЛАМА КАРИМОВА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ ИСЛАМА КАРИМОВА**

БЕКИШЕВ АЛЛАБЕРГЕН ЕРГАШЕВИЧ

**ПОВЫШЕНИЕ ЖИВУЧЕСТИ СИНХРОННОГО
ГЕНЕРАТОРА С ДВУХОСНЫМ ВОЗБУЖДЕНИЕМ
ПРИ САМОРАСКАЧИВАНИИ**

05.05.01 – Энергетические системы и комплексы

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве Высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за B2022.4.PhD/T3317

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете имени Ислама Каримова.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tdtu.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyo Net» (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель:

Пирматов Нурали Бкрдиёрович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Бобожанов Махсут Қаландарович
доктор технических наук, профессор

Бердиев Усан Турдиевич
кандидат технических наук, профессор

Ведущая организация:

Национальный исследовательский университет «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства»

Защита диссертации состоится «30» марта 2024 г. в 11⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.03/10.12.2019. T.03.03 при Ташкентском государственном техническом университете имени Ислама Каримова. Адрес: 100095, г Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32, e-mail: tstu_info@tdtu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова (регистрационный номер - 347) Адрес: 100095, Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 207-14-70.

Автореферат диссертации разослан «15» марта 2024 года.
(протокол рассылки № «1» от «14» марта 2024 года).



К.Р.Аллаев
член научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор технических наук, профессор,
академик

И.У.Рахмонов
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор технических наук, профессор

Т.Ш. Гайибов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, доктор технических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире существует большая потребность в развитии электроэнергетики в области повышения живучести энергосистемы для непрерывного снабжения потребителей электроэнергией, в которой особое значение придается разработке методики расчета электромеханических переходных режимов синхронных генераторов с двухосным возбуждением. Сегодня в развитых странах «...проводятся масштабные исследования по управлению переходными процессами путем независимой регулировки токов возбуждения синхронных генераторов с двухосным возбуждением»³. В связи с этим, уделяется внимание повышению статической и динамической устойчивости двухосных синхронных генераторов, а именно повышению надежности и живучести этих устройств.

В мире проводятся научные исследования, направленные на поддержание устойчивости системы путем изучения электромагнитных и электромеханических переходных процессов, происходящих в электроэнергетических системах. При этом, вопросы совершенствования конструкции синхронных генераторов являются приоритетным, которые ориентированы на изучение процессов самораскачивания синхронных генераторов с двумя обмотками возбуждения на роторе. Помимо того, еще одной актуальной задачей, изучаемой в настоящее время, является повышение живучести генераторов электростанций, работающих при электромагнитных и электромеханических переходных процессах, обеспечивающих при этом потребителей непрерывной и качественной электрической энергией.

В Республике также ведутся научные исследования и их последующая реализация, направленные на повышение эффективности выработки электроэнергии без ущерба для работы энергосистем, в которых, прежде всего, исследуются проблемы управления синхронными генераторами в переходных электромеханических процессах в энергетике, результаты данных работ являются стратегически важными для всех отраслей экономики. В новой Стратегии развития Узбекистана на 2022-2026 годы включены 24 цели, в которых определены задачи: «Непрерывное обеспечение экономики электроэнергией и стабильная работа энергосистемы Узбекистана с энергосистемами соседних стран»⁴. При реализации этих задач, в частности, важно проведение научно-исследовательской работы, направленной на решение вопросов повышения живучести синхронных генераторов, используемых в электроэнергетической системе Узбекистана, их работа в электромеханических переходных режимах и обеспечение потребителей бесперебойным электроснабжением, а также повышение

³<https://www.dissercat.com/content/issledovanie-parallelnoi-raboty-sinkhronnykh-i-asinkhronizirovannykh-turbogeneratorov-na-ter>

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январь, ПФ-60-сон “2022- 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони

статической и динамической устойчивости двухосных синхронных генераторов за счет правильной регулировки токов в обмотках возбуждения с обеспечением стабильной работы электроэнергетической системы.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению поставленных задач, предусмотренных в Решении Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2019 года № РП-4165 «Об утверждении Концепции развития атомной энергетики в Республике Узбекистан на 2019-2029 годы» и Концепции обеспечения электроэнергией Республики Узбекистан в 2020-2030 годах, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной области, в которых предусмотрена возможность регулирования двухосного синхронного генератора и токов его возбуждения посредством двухосной системы возбуждения.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением науки и технологий Республики Узбекистан II. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. Одно из ведущих научных направлений ориентированно на предотвращение аварий, возникающих при развитии переходных электромеханических процессов самораскачивания генераторов на электростанциях, а именно-процессов самораскачивания двухосного синхронного генератора. изучаемых мировыми научными центрами и высшими учебными заведениями: California Institute of Technology (АКШ), Tokyo technology institute (Япония), University of Waterloo (Канада), Polytechnic University of Milan (Италия), School of Electrical and Electronic Engineering, North China Electric Power University (Пекин, Китай), Harbin Electric Machinery Company Limited (Харбин, Китай), Electrical Engineering Department, Visvesvaraya National Institute of Technology (Нагпур, Индия), Electrical Engineering Department, UIET Babasaheb Bhimrao Ambedkar University (Лакноу Индия), ИТМ Единой энергетической системы (НТЦ, Россия), Всероссийским научно-исследовательским институтом электроэнергетики (ВНИИЭ, Россия), Московским энергетическим институтом (МЭИ, Россия) и Ташкентским государственным техническим университетом (ТГТУ, Узбекистан) в которых выполняются научно-исследовательские работы.

В решении научных задач по созданию и управлению синхронной машиной с двумя катушками возбуждения, смещенными друг от друга на полуполюсное деление в роторе, большой вклад внесли следующие известные зарубежные учёные: А.А. Горев и Н.Н. Щедрин, М.М. Ботвинник, Ю.Г. Шакарян, Н.Н. Блоцкий, Д.А. Городский, Соколов Ю.В. Н. Гараев, Э. К. Лоханин, Е. Л. Россовский, И.А. Лабунец, П.В. Сокур, Н.Д. Пинчук, И.А. Кэдди-Оглы, А.Г. Логинов, О.У. Zairuna, О.Р. Malik, Mohamad Abd El-Raheim Badr, Trung-Kien Hoang, Guorui Xu, Zhenzhen Wang, Bingchen Liu, Yang Zhan, Haisen Zhao, Ajaysekhar Agaralaa, Sunil S. Bhata, Ishan Srivastava и другие.

Известные ученые Узбекистана также посвятили свои научные труды решению таких задач, как исследование электромагнитных и электромеханических переходных процессов синхронных машин с двухосным возбуждением. среди них: Х.Ф. Фазылов, К.Р. Аллаев, Т.Ю. Насыров, М.Г. Ахматов, О.Г. Одилов, Н.Б. Пирматов, Я.С. Салимов, Л.В. Ковешникова, М.К. Бобожанов. В результате проведенных научных исследований были достигнуты значительные результаты в решении задач повышения статической и динамической устойчивости двухосных синхронных машин.

Несмотря на значительные успехи, в двухосных синхронных генераторах не изучены остались вопросы явления самораскачивания, определяющие устойчивость электромеханического переходного процесса энергосистемы. В данной диссертационной работе создана физическая и разработана математическая модель для исследования электромеханических переходных процессов самораскачивания двухосных синхронных генераторов, а также детально изучены процессы самораскачивания и предложены соответствующие решения.

